



«02» ноябрь 2022 йил

Қарши шаҳар

Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҲХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими стекло шарик (ойна кукун) махсулоти сотиб олиш учун танлов асосида шартнома тузиб сотиб олишни ташкил қилиш комиссиясининг

ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ: 7

Комиссия раиси бош ҳисобчи;
 АЪЗОЛАРИ:
 Бўлим муҳандиси;
 Бўлим механиги;
 Омбор мудир;
 Бўлим механиги;
 Иқтисодчиси;

Б.Қиличов
 Ж.Қахрамонов
 Б.Жураев
 Б.Авезов
 Х.Сувонов
 Л.Кулдошева

Кун тартибидаги қурилган масала

Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 22 апрел кундаги 684-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” қонунини амалга ошириш чора тadbирлари тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2022 йил 10 феврал кундаги 69-сонли “Давлат харидлари энг яхши таклифларни танлашнинг алоҳида тартиби” тўғрисидаги қарорига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 июлдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини илмий-услубий таъминлаш, йўлларни сақлаш ва монтаж қилиш фаолиятини тартибга солиш ҳамда “Хавфсиз йўл” индексини бошқариш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида”ги 415-сон Қарори талабларига асосан товар-моддий бойликлар харид қилиш учун, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар махсус ахборот порталининг “Энг яхши таклифни танлаш” бўлимига 2022 йил 21 октябр кунини № 167215 сонли Лот рақами билан жойлаштирилди.

Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҲХБ махсус эксплуатация монтаж бўлими стекло шарик (ойна кукун) махсулотлари сотиб олиш бўйича танлов эълон қилинганлиги Комиссия томонидан конкурсда қатнашган томонларни таклифларини куриб чиқиб стекло шарик (ойна кукун) махсулоти билан таъминлаш бўйича 2 та хусусий корхоналар қатнашганини эълон қилади улар қуйидагича.

1. “WSNS TEX SERVICE” МЧЖ
2. “XAVFSIZ YO`L” МЧЖ

томонидан тақдим этилган таклифлар ўрганиб чиқилди. Юқорида келтириб ўтилган “WSNS TEX SERVICE” МЧЖ ва “XAVFSIZ YO`L” МЧЖлар тижорат таклифлари ичидан энг яхши таклифни танлаш мақсадида ҳайъат аъзолари томонидан ўрганилди ва қуйидаги жадвалда кўрсатилди

№ т/р	Товар-моддий бойликлар номи	Ўл. бир.	Милдори	ТАЪМИНОТЧИЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ	
				“ WSNS TEX SERVICE” МЧЖ	“ XAVFSIZ YO`L” МЧЖ
				Жами нархи	Жами нархи

1	<u>стекло шарик (ойна кукунни) махсулоти</u>	Кг	1000	21 000 000 сўм	16 500 000 сўм
Жами ҚҚС билан қиймати				21 000 000 сўм	16 500 000 сўм

Жадвалда кўрсатиб ўтилганларни ҳисобга олиб, ҳамда таъминотчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган тижорат нархлари, сифати, шартномада келишилган муддатларда етказилиши ва уларни олганга қадар таъминотчиларнинг омборларида тўлик сақлаб турилиши, ҳар томонлама таҳлилдан ўтказилди.

Бюджет маблағлари ҳисобидан Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ МЭМ бўлими учун товар-моддий бойликлар харид қилиш бўйича хайъат раиси Б.Қиличов, сўзга чиқиб, бюджет маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 июлдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини илмий-услубий таъминлаш, йўлларни сақлаш ва монтаж қилиш фаолиятини тартибга солиш ҳамда “Хавфсиз йўл” индексини бошқариш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида”ги 415-сон Қарори талабларига мувофиқ сифатли ва арзон товар моддий бойликлар харид қилиш лозимлигини билдириб ўтди.

Товар-моддий бойликлар харид қилинганидан сўнг шартномада келишилган муддат ичида таъминотчи омборидан олиб чиқиб кетгунга қадар корхона омборида тўлик сифатли сақланиши кафолатланганлиги, сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан сотиб олинниши айтиб ўтилди.

Хайъат аъзолари томонидан тижорат таклифларида кўрсатилган нархлар бўйича голиб ташкилотларни аниқлаш учун овоз берилди.

Хайъат аъзолари томонидан харид қилинган Товар-моддий бойликлар тўлиқлиги ва сифатининг Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартларига тўғри келиши ва ишлатиладиган махсулотларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётганлигини ҳисобга олиб, хайъат аъзолари бир овоздан Қарши шаҳрида жойлашган “XAVFSIZ YO'L” МЧЖ голиб деб аниқланди.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Тижорат таклифларини мувофиқ Етказиб бериш бўйича “XAVFSIZ YO'L” МЧЖ голиб деб белгилансин.

2. Баённома тасдиқлангандан сўнг белгиланган тартибда “XAVFSIZ YO'L” МЧЖ билан товар-моддий бойликларни харид қилиш бўйича шартнома тузилсин.

3. Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ МЭМ бўлими ҳисобчиси томонидан шартнома асосида голиб таъминотчи ташкилот ҳисоб рақамига пул ўтказилиши амалга оширилсин.

4. Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ МЭМ бўлими томонидан олиб келинган товар-моддий бойликларни белгиланган тартибда қирим далолатномасига асосан қирим қилинсин.

Комиссия раиси бош ҳисобчи;

АЪЗОЛАРИ:

Бўлим муҳандиси;

Бўлим механиги;

Омбор мудирни;

Бўлим механиги;

Иқтисодчиси;

Б.Қиличов

Ж.Қахрамонов

Б.Жураев

Б.Авезов

Х.Сувонов

Л.Кулдошева

ШАРТНОМА №-07

(ЛОТ-167215)

" 02 " 11 2022 йил.

Қарши шахри

Буюртмачи бўлган кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб аталувчи "Қашқадарё вилоят Ички Ишлар Бошқармаси Жамоат Хавфсизлиги Хизмати Йўл Ҳаракати Хавфсизлиги Бошқармаси Махсус Эксплуатация Монтаж Бўлими" номидан Раҳбар Ф.Нормуминов, Низом асосида иш юритувчи бир тарафдан ва кейинги ўринларда "Ижрочи" деб "Хавфсиз Йўл" МЧЖ аталувчи номидан "Ижрочи" Л.Қобилова, Низом асосида иш юритувчи иккинчи тарафдан, биргаликда «Тарафлар» деб аталувчилар Давлат харидлари электрон тизимида танлов ўтказилган электрон давлат хариди натижаси бўйича қуйидагича шартнома туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Товар сони	Бирлик учун бошланғич нарх	Бирлиги учун келишилган нарх	Позиция учун келишилган сумма
1	Стекло шарик (ойна кукун) маҳсулотлари	тонна	1	23 000	16 500	16 500 000
	Жами:		1	23 000	16 500	16 500 000

Шартноманинг умумий суммаси: 16 500 000 (Ўн олти миллион беш юз минг) сум

2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА ШАРТЛАРИ

- 2.1. Шартнома амалга ошганидан сунг Буюртмачи "Ижрочи"нинг ҳисоб рақамига шартноманинг умумий суммасидан 30% олдиндан (аванс) туловини амалга оширади. Шартнома суммасидан қолган 70% туловни маҳсулотни қабул қилиб олгандан сунг тулаб беради.
- 2.2. Ижрочининг ҳисоб рақамига 30% тўлов амалга оширилганидан сунг 2 иш куни ичида товарни етказиб бериши шарт.
- 2.3. Буюртмачи товарнинг сони тўлиқлигини, бутлигини, сифатини ва эълонда ёки офёртада кўрсатилган бошқа талабларга мувофиқлигини Ижрочининг иштирокида текшириб қабул қилиб олиши шарт.
- 2.4. Барча транспорт харажатлари Ижрочи томонидан қопланади (агар мазкур шартномада бошқа шартлар белгиланмаган бўлса).
- 2.5. Ижрочи томонидан товарни етказиб берилганлиги ва Буюртмачи томонидан текшириб олинганлиги Ижрочи расмийлаштирган ҳисобварақ-фактурани Тарафлар томонидан имзоланиши билан тасдиқланади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
 - Ижрочидан мазкур шартноманинг 1 бандига мувофиқ бўлган миқдордаги ва сифатдаги товарни етказиб беришни талаб қилиш;
 - Ижрочи талаб даражасидаги сифатга эга бўлмаган товар етказиб берганда Ижрочидан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:
 - талаб даражасидаги сифатли товарга алиштириб беришни;
 - етказиб берилган товардаги камчиликларни Ижрочи ҳисобидан бартараф этилишини;
 - мазкур шартнома шартларини бажармаганлик ёки белгиланган даражада бажармаганлик.
- 3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:
 - Битим суммасининг 100% миқдоридagi тўловни мазкур шартномада кўрсатилган муддатда «Ижрочининг» ҳисобрақамига ўтказиши лозим;
 - товарни етказиш ва қабул қилиб олиш саналарини Ижрочи билан келишиб олиш;
- 3.3. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
 - Буюртмачи билан келишган ҳолда товарни муддатидан олдин етказиб бериш;

- Буюртмачининг ўзи томонидан берилган талабномага мос бўлган товарни қабул қилиб олишни рад этиши натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

3.4. Ижрочининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

- товарни етказиб бериш санаси ва вақтинин «Буюртмачи» билан келишиб олиш.
- товарни етказиб бериш жараёнида аниқланган камчиликларни Буюртмачининг талабига кўра етказиб беришнинг белгиланган муддатигача бартараф этиш.

3.5. Шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва мазкур шартнома талабларига мувофиқ ижро этилиши лозим.

3.6. Тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини таъминлаганларида Шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Буюртмачи ва Ижрочи мазкур Шартнома шартларини бажармаганлик ва бузганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

4.2. Тарафлар қонунчиликда белгиланган форс-мажор ҳолатлари мавжудлиги натижасида шартномада белгиланган мажбуриятларини бажариш иложсизлигидан тўлиқ ёки қисман бажара олмаганларида жавобгарликка тортилмайдилар.

4.3. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, ижрочи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, ижрочидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдориде жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима ижрочидан ақцептсиз тартибда ундириб олинади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Тарафлар юзага келган баҳс ва мунозараларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Тарафлар юзага келган мунозараларни ҳал этиш учун даъвогарнинг жойлашган ҳудуди бўйича судга мурожаат қилишлари мумкин.

5.3. Тарафлар ўртасидаги мазкур шартномада кўзда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан тартибга солинади.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиклар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

6.2. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

6.3. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг қутилаётган санасидан 10 (ўн) иш кунин олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа

томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдааги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қўйидааги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди.

7.5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини қафолатлайдилар.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қондабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан тузилган заҳоти кучга киради ва 2022 йил “31” декабр гача амал қилади.

8.2. Шартнома муддатининг тугаши тарафларни жавобгарликдан озод этмайди.

9. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Қашқадарё вилоят ИИБ ЖХХ ЙҲХБ МЭМБ
Қарши шаҳри А.Навоий кучаси 42 уй
Х/Р : 401010860104017031101179008
Банк:

МФО: 0001 ИИН: 304 988 681

70-77

Ф.Нормуминов



ИЖРОЧИ

“Хавфсиз Йўл” МЧЖ
Қарши тумани Янгиобод кўчаси 2 уй
Х/Р: 20208000900447158001
Банк: Қарши ш Чет эл иштирокидаги
Ҳамкор банк Қарши филиали
МФО: 01031, ИИН: 303249984

Телефон: 88-988-87-01



Л.Қобилова